

Жазоирда 4000 масжид очилишга тайёр



10:30 / 11.08.2020 998

Жазоир мамлакатида 4000 масжид очилиши учун зарур шароитларга эга эканлиги маълум қилинди. Бу ҳақда Жазоир вазирлиги хабар берди. Маълумотларга кўра, Шимолий Африкадаги масжидлар сонининг 24 фоизига тўғри келади.

Вазирликнинг таъкидлашича, қайта очишга рухсат берилган масжидларнинг эшиги ҳар намоздан 15 дақиқа олдин очилади.

Шунингдек, коронавирус тарқалишининг олдини олиш учун соғлиқни сақлаш мақсадида масофа сақлаш кераклиги таъкидланди.

Ушбу мамлакатда шанба куни карантин қоидалари енгиллаштирилади, комендантлик соати қисқартирилади, баъзи чекловлар олиб ташланади ва йирик масжидлар қайта очилади.

Ҳукуматнинг таъкидлашича, масжидларда кондиционерлардан фойдаланиш тақиқланган.

Бугунги кунгача Шимолий Африка мамлакатида 35160 коронавирус инфекцияси қайд этилган ва 1302 киши вафот этган.

Islom.uz портали таҳририяти